



...:...

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Парвардигор таборака ва таолодан ривоят қилиб айтдилар: «Аллоҳ азза ва жалла яхшилик ва ёмонликларни битиб, сўнг уларни баён қилиб қўйди. Ким бир яхшиликни қасд қилса, бироқ уни қилмаса, Аллоҳ Ўз ҳузурида унга битта тўла ҳасана-ажр ёзади. Агар бир яхшиликни қасд қилса, сўнг уни қилса, Аллоҳ Ўз ҳузурида унга ўнтадан етти юз баробаргача ва ундан ҳам бир неча баробар кўп ҳасана-ажр ёзади. Ким бир ёмонликни қасд қилса, бироқ уни қилмаса, Аллоҳ Ўз ҳузурида унга битта тўла ҳасана-ажр ёзади. Агар бир ёмонликни қасд қилса, сўнг уни қилса, Аллоҳ фақат битта саййиа-гуноҳ ёзади» (Муттафақун алайҳ).

...:...



Ислом Нури

«Аллоҳнинг раҳмати ва фазли карами шунчалар кенгли, ким бир яхшилик қилишни ният ва қасд қилган бўлса-ю, кейин бирон сабаб билан уни қилолмай қолса, унга ўша солиҳ нияти учун битта ҳасана-савоб биттади. Агар ўша яхшиликни қилса, унга ўнтадан тортиб етти юз баробаргача ва ҳатто ундан ҳам кўп савоб беради. Шунингдек, ёмонликни қасд қилган, бироқ Аллоҳдан қўрқиб уни қилмаган одамга ҳам Аллоҳ таоло битта савоб ёзади, қилса унга фақат битта гуноҳ ёзади.»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло айтади: Агар бандам бир ёмонлик қилмоқчи бўлса, то ўшани қилмагунича унга ёмонлик-гуноҳ ёзманглар! Агар ёмонликни қилса, унга ўшанча ёмонлик-гуноҳ ёзинглар! Агар у ёмонликни Мен учун тарк қилса, унга битта ҳасана-савоб ёзинглар! Агар бир яхшилик қилмоқчи бўлса-ю, уни қилмаса, унга битта ҳасана-савоб ёзинглар! Агар ўша яхшиликни қилса, унга ўнтадан тортиб етти юз баробаргача (савоб) ёзинглар!» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳнинг раҳмати ва фазли карами шунчалар кенгли, ким бир яхшилик қилишни ният ва қасд қилган бўлса-ю, кейин бирон сабаб билан уни қилолмай қолса, унга ўша солиҳ нияти учун битта ҳасана-савоб биттади. Агар ўша яхшиликни қилса, унга ўнтадан тортиб етти юз баробаргача ва ҳатто ундан ҳам кўп савоб беради. Шунингдек, ёмонликни қасд қилган, бироқ Аллоҳдан қўрқиб уни қилмаган одамга ҳам Аллоҳ таоло битта савоб ёзади, қилса унга фақат битта гуноҳ ёзади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Аллоҳнинг раҳмати кенг ва улуғлиги;
2. Мусулмон киши бир яхши ишни қилишни ният қилган бўлса, гарчи уни қилмаса ҳам савоб олади;
3. Ким бир ёмонлик қилишга қасд қилиб, сўнг уни қилишдан



- тийилган бўлса, унга битта савоб берилади;
4. Яхши амалларнинг савоби бир неча баробар кўпайтириб берилади.